

“Кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллинг тизими” ҳамда “Коммунал хизматлар биллинг тизими ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш ахборот тизими”ларини ишлаб чиқиш бўйича имзоланган

2021 йил 27 декабрь № Б-12/2021 –сонли шартномага
1-сонли Қўшимча келишув

г. Ташкент

2021 йил “14” январь

Уй - жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилади, бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Вахоб Умаров ва бундан кейин “Пудратчи” деб номланадиган Н.Назирова “Интеллект Сервис” МЧЖ. устав асосида ҳаракат қилувчи директор И.П.Ғофуров, бошқа томондан, томонлар 2021 йил 27.12 № Б-12/2021 – сонли шартнома (бундан кейин – “шартнома” деб юритилади) га қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида келишув тузилар:

1. Шартноманинг 10.1. – банди ўзгартирилсин ва қуйидаги мазмундаги матнда изоҳлансин:

«10.1. Шартнома Молия вазирлиги Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрь амал қилади.».

2. Шартноманинг қолган қисми ўзгаришсин қолдирилсин.

3. Мазкур келишув икки нусхада тузилган бўлиб ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

4. Мазкур келишув томонлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

5. Юридик манзиллар, банк реквизитлари ва томонларнинг имзоси.

“ИЖРОЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

“ИНТЕЛЛЕКТ СЕРВИС” МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳри, 4 даха 55/2 уй

Ҳисоб рақам: 20208000903773319001

“Хамкорбанк” акциядорлик-тижорат банкининг Урганч филиалида МФО: 01020, ИНН 202540002, ОКЭД 58290.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI UY-JOY
KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH VAZIRLIGI
100035, O'zb. Resp. Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Muzchak yo'li ko'chasi, 1-uy. Tel: 234-08-88, Faks: 237-07-44
Manzil: 4001 108602626670510011000
Sh/h/r: STIR 304931516 OKED 84111
MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI
Хисоб рақам: 23402000300100001010
MFO: Toshkent shahar MB HKKM
MFO 00014 STIR 201122919



Раҳбар:

I. Gofurov
(ИМЗО)

И. Ғофуров.



Раҳбар:

[Signature]
(ИМЗО)

фамилияси

(исми,

[Signature]

ШАРТНОМА № В-12/2021

“Кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллинг тизими” ҳамда “Коммунал хизматлар биллинг тизими ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш ахборот тизими”ларини ишлаб чиқиш бўйича

2021 йил 27 декабрь

Тошкент шаҳри

“Уй - жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги”, бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилади, бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Вазирлиги ва бундан кейин “Пудратчи” деб номланадиган “Интеллект Сервис” МЧЖ, устав асосида ҳаракат қилувчи директор И.П. Гофуров, иккинчи томондан, DXARID. UZEX. UZ электрон порталида эълон қилинган 7180508 рақамли лот бўйича ўтказилган танлов натижаларига асосан ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи “Кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллинг тизими” ҳамда “Коммунал хизматлар биллинг тизими ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш ахборот тизими”ни ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг тўлиқ ҳажмини бажариш, Буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун келишилган баҳода ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарилган иш учун умумий иш ҳажми 1-иловада кўрсатилган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

1-илова шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.1.1. Пудратчидан мажбуриятларини ушбу шартнома шартларига мувофиқ равишда ижро этилишини талаб қилиш;

2.1.2. Мунтазам равишда, пудратчининг фаолиятига халақит бермасдан, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар сифатини текшириш;

2.1.3 Пудратчи томонидан ишлар бажарилганидан кейин унинг натижаларини кўздан кечириш ва камчиликлар аниқланган тақдирда ўша заҳотиёқ Пудратчига маълум қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 650-моддасига асосан ўз хоҳишига кўра:

- бажарилган ишларнинг тўлиқлиги ва сифатини ташқи томондан кўздан кечириш ҳамда унинг айрим элементларини синаб кўриш орқали текшириб кўришга;

- аниқланган камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни Пудратчидан талаб қилишга ҳақли.

2.1.4. Қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1 Пудратчига ўз ваколатлари доирасида зарур маълумотлар, интеграция қилинадиган корхоналар ҳақидаги дастлабки маълумотлар ва бошқа керакли материалларни ўз вақтида олишига ёрдам кўрсатиш;

2.2.2. Иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида Пудратчига дарҳол маълум қилиш;

2.2.3. Бажарилган ишни (унинг натижасини) шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда Пудратчи иштирокида кўриб чиқиш ва далолатнома (топшириш-қабул қилиш тўғрисида) асосида қабул қилиш;

2.2.4. Пудратчининг бажарган иши учун ушбу Шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатларда ҳақ тўлаш.

2.2.5. Буюртмачи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

2.3. Пудратчининг ҳуқуқлари:

2.3.1 Ишларни муддатидан олдин бажариш;

2.3.2 Шартномага биноан ишни (ёки унинг қисмини) бажариш учун индивидуал мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш;

2.3.3. Буюртмачидан шартнома шартлари асосида тўловни ўз вақтида ва миқдорда амалга оширилишини талаб қилиш;

2.3.4. Буюртмачи шартнома буйича узининг муқобил мажбуриятларини бажармаганлиги, Бажарувчининг шартномани бажаришига тўсқинлик қилган ҳолларда, шунингдек мазкур мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаслигини яққол кўрсатиб турган ҳолатлар мавжуд бўлганида (ФКнинг 256-моддаси) “Бажарувчи” ишга киришмасликка, бошланган ишни эса тўхтатиб қўйишга ҳақли.

2.3.5 Бажарувчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

2.4. Пудратчининг мажбуриятлари:

2.4.1. Шартномада белгиланган муддатларда ишларини тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажариш;

2.4.2. Буюртмачи томонидан бажарилган ишларда камчиликлар аниқлаган тақдирда 10 (ўн) иш куни ичида камчиликларни бартараф этиш;

2.4.3. Ишлар тамом бўлгач ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳақида далолатнома (топшириш-қабул қилиш тўғрисида) расмийлаштириш;

2.4.4. Ишларни бажариш жараёнида Буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳар қандай конфиденциал маълумотларни Буюртмачининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик.

2.4.5. Пудратчи амалдаги қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 600 000 000 (олти юз миллион) сўмни ташкил етади.

3.2. Буюртмачи ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида Пудратчининг ҳисобварағига шартнома умумий суммасининг 30% (ўттиз фоизи) 180 000 000 (бир юз саксон миллион) сўм миқдорида аванс тўлайди ҳамда якуний 70% (етмиш фоизи) 420 000 000 (тўрт юз йигирма миллион) сўмни 2022 йил 31 декабрга қадар тўлайди.

3.3. Буюртмачи томонлар ҳисоб-фактура ва бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида ҳар бир босқич учун бажарилган ишларнинг нархини Пудратчининг ҳисобварағига ўтказиши.

3.4. Шартноманинг амал қилиш даврида Пудратчи бажариладиган иш баҳосини бир томонлама оширишга ҳақли эмас.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ. КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАРИН Топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Шартномани бажаришдан бир томонлама воз кечишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.2. Топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган сана шартнома буйича мажбуриятлар бажарилган сана деб ҳисобланади.

Пудратчининг банкдаги ҳисоб варағига пул маблағлари киритилган сана Буюртмачининг бажарилган ишларига ҳақ тўлаш буйича мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Пудратчи топшириш-қабул қилиш далолатномасини икки нусхада тузиб ишларни бажариш муддати тамом бўлган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш кунида имзолаш учун Буюртмачига тақдим қилади.

4.4. Буюртмачи топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 3 (уч) иш куни мобайнида имзолаши ва бир нусхасини Пудратчига юбориши шарт.

Бажарилган ишлар Буюртмачининг масъул (ваколатли) ходими томонидан қабул қилинади.

4.5. Бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг Пудратчи “Қўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллинг тизими” ҳамда “Коммунал хизматлар биллинг тизими ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш ахборот тизими”ларига муаллифлик ҳуқуқига даъво қилмайди.

V. КОНФИДЕНЦИАЛЛИК

5.2. Томонлар шартнома шартлари ва шартномани тузиш, бажариш ва бекор қилиш жараёнида томонлар алмашган ҳар қандай маълумот конфиденциал маълумотлар эканлигига келишиб олдилар.

5.3. Қабул қилувчи томон ишларни бажариш ва тугатиш жараёнида тақдим қилувчи томондан олинган ҳар қандай конфиденциал маълумотларни тақдим қилувчи томоннинг ёзма розилигисиз ошкор қилмасликни ўз зиммасига олади.

5.4. Ҳар қандай конфиденциал маълумотларни учинчи шахсга розилик билан ошкор қилинганида, бундай конфиденциал маълумотларни учинчи томонга ошкор қилган Қабул қилувчи томон учинчи томон ушбу маълумотларнинг конфиденциаллигини ушбу бўлимда кўрсатилган шартларга ўхшаш шартларда сақлаш мажбуриятини олганлигини таъминлаши шарт.

5.5. Ҳар қандай конфиденциал маълумотни олган, шу жумладан оғзаки қабул қилган томон буни ошкор қилмаслиги ва бундай маълумотни бир хил аҳамиятга эга бўлган маълумотларга нисбатан эҳтиёткорлик билан ишлов беришга мажбурдирлар.

5.6. Агар маълумот қонунга, бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларга ёки суд ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши керак бўлса, бошқа томондан маълумот олган томон олдиндан бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилади.

VI ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

6.1. Буюртмачи Пудратчидан ишларни бажариш муддатларини бузганлик учун кечиктирилган ҳар бир кунга бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлашни талаб қилишга ҳақли, аммо бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2. Пудратчи Буюртмачидан тўлов муддатларини бузганлик учун кечиктирилган ҳар бир кунга кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлашни талаб қилишга ҳақли, аммо бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Шартнома бўйича унинг шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон шу туфайли бошқа томонга етказган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

6.4. Пеня тўлаш томонларни ушбу Шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6.5. Томонлар шартнома бўйича мажбуриятни бажармасликнинг бошқа барча ҳолларида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

VII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР (ФОРС-МАЖОР)

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликлари учун, агар ўз мажбуриятларини лозим даражада ижро қилиш бўйича барча мумкин бўлган ва уларга боғлиқ чораларни кўрган бўлишларига қарамасдан, шу жумладан ушбу шартномани тузганларидан кейин олдиндан кўра билмайдиган ва оқилона чоралар билан олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда характердаги ҳодисалар натижасидаги енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) оқибатида келиб чиққанлигини исботласалар, жавоб бермайди.

Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор)га, жумладан: зилзила, кўчки, бўрон, сел, дўл, жала, сув тошқини, ёнғин, ҳукуматнинг таъқиқловчи ҳаракатлари (қарор, фармойишлари), эпидемия, пандемия, блокада, эмбарго, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа табиий офатлар киради.

7.2. Бундай ҳолатлар келиб чиққан пайтдан бошлаб томонлар бир-бирини 3 (уч) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилишга мажбур.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, ҳар иккала томон иштирокида, қоидага кўра, мустақил равишда ёки комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.4. Форс-мажор ҳолатлари келиб чиққан тақдирда, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар давом этадиган давр ва унинг оқибатлари даврига кўчирилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ЎЗГАРТИРИШ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Мазкур шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

8.2. Шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиб ҳар иккала Томоннинг ваколатли вакили томонидан имзолангач ва туман қишлоқ хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади. Томонларнинг тегишли қўшимча келишувлари шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Шартнома Томонларнинг келишувига кўра муддатидан олдин ёхуд томонлардан бирининг талаби бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартиб ва асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

8.4 Шартнома шартларини иккинчи томон жиддий бузган (томонлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи томонга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада махрум бўладиган қилиб зарар етказиши) ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда томонлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Бир томон шартномани бажаришдан тула ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд томонларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Шартнома тузиш, уни талқин қилиш, ижро қилиш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган барча низолар (келишмовчиликлар) Томонлар томонидан музокара ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

9.2. Агар низолар (келишмовчиликлар)ни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, улар Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Шартнома Молия вазирлиги Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил "21" декабригача амал қилади.

10.2. Шартноманинг амал қилиш муддатининг ўтиши томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

10.3. Шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилди.

10.4. Шартномага илова:

- ишларни бажариш бўйича календар режа графиги Рўйхати (1 илова 1 варақда);
- 2021 йил 13 июлдаги Эз 07-8/5057 - сонли эксперт хулосага асосан тасдиқланган техник топшириқ (2 илова 48 варақда);
- 2021 йил 13 июлдаги Эз 07-8/5069 - сонли эксперт хулосага асосан тасдиқланган техник топшириқ (3 илова 49 варақда);

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ПУДРАТЧИ

"ИНТЕЛЛЕКТ СЕРВИС" МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳри, 4 даха 55/2
уй

Ҳисоб рақам: 20208000903773319001
"Хамкорбанк" акциядорлик-тижорат
банкнинг Урганч филиалида МФО: 01020,
ИНН 202540002, ОКЭД 58290.



тел./фах:

Раҳбар:

(имзо)

И. Ғафуров.

БУЮРТМАЧИ

Манзили:

Ҳисоб рақам:

МФО:

ОКЭД:



тел:

Раҳбар:

(имзо)

(исми, фамилияси)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРЛИГИ
100035, O'zb. Resp. Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Niyozbek yo'li ko'chasi, 1-uy. Tel: 234-06-88, Faks: 237-07-44
Sh/ht ko'p 10860262667063 10011000/
STIR 304931516 OKED 84111
MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI
Hisab raqam: 23402000300100001010
Tashkent shahar MB - HKKM
MFO: MFO 0001 INN STIR 201122919

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА КАЛЕНДАР РЕЖА ГРАФИГИ

Кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллинг тизими” ҳамда “Коммунал хизматлар биллинг тизими ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш ахборот тизими”ларини ишлаб чиқиш

№	Бажариладиган ишлар номи	Бажариш муддати кун	Бажарилган иш қиймати	Ҳисобот ёки асосли ҳужжат шакли
1.	Ахборот тизимини дизайнни ишлаб чиқиш	5		Шартнома имзолангандан кейин
2.	Ахборот тизими ва Биллинг тизимлари қисмларини ишлаб чиқиш	5		Бажарилган ишлар бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-варақ фактура, далолатнома такдим қилиш
3.	Ахборот тизими ва биллинг тизимларини синовдан ўтказиш	5		Бажарилган ишлар бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-варақ фактура далолатнома
4.	Ахборот тизими ва Биллинг тизимлари ни маълумотлар киритишга тайёрлаш ва ишга тушириш.	5		Бажарилган ишлар бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-варақ фактура, далолатнома такдим қилиш
Жами		20		

КЕЛИШИЛДИ
 "ИНТЕЛЛЕКТ СЕРВИС" МЧЖ

Раҳбар: _____ И. Ғафуров.
 (имзо)

КЕЛИШИЛДИ
 "Уй - жой коммуна хизмат кўрсатиш
 вазирлиги"

Раҳбар: _____
 (имзо)

_____ 2021й.

_____ 2021й.



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Hududlarni kompleks rivojlantirish, kommunikatsiyalar,
qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi masalalari kotibiyati**

**Молия вазирлиги (Ишметовга),
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазирлиги (Хидоятовга)**

Ахборот берилди.

Уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизимини ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифлар асосида танлов ўтказилганлиги ва унинг натижасига мувофиқ танлов ғолиби билан шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинди *(Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 10.01.2022 й.даги 01/16-136-сон хати)*.

Ўтказилган танлов натижаларига асосан танлов ғолиби билан тузилган шартнома муддатини узайтириш тўғрисида кўшимча битим тузган ҳолда шартноманинг газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилишини ҳамда 2022 йилда шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш топширилди.

А.Ниязовга



Ш.Абидов

2022 йил “14” январь
№ 05/1-1629

14.01.2022й.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH VAZIRLIGI

100035, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Niyozbek yo'li ko'chasi, 1-uy; Tel.: (71) 234-07-44;

Faks: (71) 234-52-65 el.pochta: uyjoy@kommunal.uz, uzkommunhizmat@exat.uz

20 _____ у. « _____ » 10 ЯНВ 2022 № 01/16 - 136

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ - 5152-сон қарорининг 8 - бандида 2021 йил августга қадар лойиҳа доирасида бириктирилган ҳудудлар, 2022 йил 1 январга қадар эса бутун республика ҳудудларида кўп квартирали уй-жой хизмат кўрсатиш жараёнига уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизимини жорий қилиш белгиланган.

Мазкур тошириқни бажариш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан “Кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллинг тизими” ва “Навоий вилоятида коммунал хизматлари ягона биллинг тизimini яратиш ва истеъмолчиларининг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш” бўйича биллинг тизимини ишлаб чиқиш хизмати бўйича 2021 йил 9 декабрда dxarid.uzex.uz сайтига Энг яхши таклифларни танлаш учун 7180508 - сонли лот рақамли билан жойлаштирилган.

2021 йил 22 декабрь куни “Intelekt servis” МЧЖ голиб деб топилган ва баённома билан тасдиқланиб dxarid.uzex.uz сайтига баённома юклатилган.

Мазкур баённома танловда иштирок этган ташкилотлар томонидан кўшимча эътирозлар бўлмаслиги сабабли (Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 62 - моддаси бешинчи хатбошиси) муҳокама учун камида икки кун муддатда туриши белгиланган.

Муҳокамадан сўнг голиб бўлган ташкилот билан белгиланган тартибда муҳокама баённомасини ва шартномани киритиш учун dxarid.uzex.uz сайтига юклаш учун рухсатнома 2021 йил 27 декабр куни очилган.

Бироқ Давлат харидлар портали dxarid.uzex.uz сайти 2021 йил 25 декабр куни ёпилганлиги сабабли шартнома ва бошқа тегишли бўлган ҳужжатларни жойлаштириш имкони бўлмади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. № 1-1629
“ 11 ” 01 20 22 yil

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни билан белгиланган тартибда 10 иш кунида шарнома ва бошқа ҳужжатларни жойлаштириш лозим.


Бироқ, 2021 йил яқунланганлиги сабабли 2022 йилда жойлаштиришга Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан шартномани рўйхатга олиш ва тўловни амалга оширишга рухсат берилмаяпти, мазкур тўловни амалга ошириш учун янгитдан давлат харидларини ўтказишни ва ғолиб бўлган ташкилот билан тузилган янги шартнома рўйхатдан ўтгандан сўнг тўловни амалга оширишлари мумкинлигини маълум қилмоқда.

Маълумот учун: Ҳозирги кунда ғолиб бўлган ташкилот томонидан Республика ҳудудларидаги кўп квартирали уй-жойларнинг хонадонларини маълумотлар (Тошкент шаҳридан ташқари) 95% (737 000 та), Тошкент шаҳри бўйича кўп квартирали уй-жойларнинг хонадонларини маълумотлар базаси 90% (438 008 та) жами 90% (1 175 008 та) абонентлари маълумотлари шакллантирилиб, расмий веб – сайтининг (<https://kommunal.uz/uz>) бош кўринишида “шаффоф коммунал” ойнаси яратилди ва “Meninguyim” ахборот тизими <https://billing.mjko.uz/> ҳаволасида ишга туширилди.

Бугунги кунда “Meninguyim” биллинг тизими орқали уй-жой мулкдорлари томонидан тўловлар амалга ошириш, мониторингини олиб бориш, умумий йиғилишларни ўтказиш, бошқарув органларга мурожаатларни юбориш ва улар устидан шикоятларни давлат назорат органига юбориш ва кўп вкартирали уйларни бошқариш учун бошқа имкониятлар яратилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сизда ғолиб бўлган корхонанинг шартномасини юклаш daxid.uzex.uz сайти ёпилганлиги сабабли, ушбу шартномани Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан 2022 йилда рўйхатга олиши ва белгиланган тўловларни амалга оширилиши учун амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Вазир ўринбосари



Н. Назиров

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазир ўринбосари



Н. Назиров

2021 йил 12 декабрь

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
томонидан товарларни (иш ва хизматлар) харид қилиш бўйича
Танлов комиссиясининг**

6 -сонли баённомаси

2021 йил 12 декабрь

Тошкент шаҳри

Йиғилиш ўтказиш жойи: Вазирлик мажлислар зали.

Комиссия раиси: Н. Назиров - Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазир ўринбосари

Қатнашганлар: Д. Хабибуллаев, А. Ахроров, Ф. Юсунов, З. Эргашева

Қатнашганлар: Танлов иштирокчилари

КУН ТАРТИБИ:

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг бюджетдан ташқари
маблаглари ҳисобидан “Кўи квартирани уй-жойга хизмат кўрсатиш
ташкилотларининг биллиг тизими” ва “Навоний вилоятида коммунал хизматлари
ягона биллиг тизими яратиш ва истеъмолчиларининг унификация қилинган
шахсий ҳисобварағини жорий этиш” мақсадида DXARID.UZEX.UZ электрон
порталида эълон қилинган энг яхши таклифларни танлаш танлов юзасидан
ташкилотлардан келиб тушган тижорат таклифларини кўриб чиқиш ва танлов
ғолибини аниқлаш тўғрисида

(Назирова, Хабибуллаев, Ахроров, Юсунов, Эргашева)

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазир ўринбосари Н. Назиров (кейинги ўринларда комиссия раиси)
очиб, йиғилиш иштирокчиларига кун тартибидagi масала юзасидан тегишли
корхоналардан келиб тушган тижорат таклифларини кўриб чиқиш ва танлов
ғолибини аниқлаш ҳақида маълумот берди.

Сўзга чиқдилар:

Комиссия раиси сўзни Ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфизлиги бўлими бошлиғи Ф. Юсуповга берди.

Ф. Юсупов сўзга чиқиб,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 23-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамкорлигида “Худудий газ таъминот” АЖ ҳамда Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Хоразм вилояти ҳокимликлари биргаликда 2021 йил 1 январга қадар коммунал хизматлар бўйича ягона биллинг тизимини яратиш ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш вазифасидан келиб чиқиб, “Навоий вилоятида коммунал хизматлар ягона биллинг тизимини яратиш ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш” электрон дастури (ахборот тизими) ҳамда Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2021 йил 19 июндаги ИҚ-5152-сон қарорининг 8-бандида 2021 йил августга қадар лойиҳа доирасида бириктирилган ҳудудлар, 2022 йил 1 январга қадар эса бутун республика ҳудудларида кўп квартирали уй-жой хизмат кўрсатиш жараёнига уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизимларини (кейинги ўринларда Биллинг тизимлари) яратиш юзасидан тақдим этилган техник шартлар асосида 2021 йил 9 декабрда DXARID.UZEX.UZ электрон порталида эълон қилинган (лот рақами 7180508);

эълон бўйича 2021 йил 16 декабрь кунига қадар таклифлар қабул қилинганлиги;

Танлов конверт очиш 2021 йил 20 декабр кунини белгиланган бўлиб, тижорат берган иштирокчиларнинг вакиллари иштирок этди.

Эълон бўйича танлов иштирокчилари яъни “OKS-TECHNOLOGIES” ХК, “MILLIY BUXGALTERLAR MARKAZI” ХК, МЧЖ, “NAPA AUTOMOTIVE” МЧЖ ва “INTELEKT-SERVIS” МЧЖлар томонидан қуйидаги тижорат таклифлари тақдим этилгани тўғрисида ахборот берди.

(сўлда)

Товарлар (ши ва хизматлар) номи	Иштирокчи корхона ва ташкилотларнинг тижорат таклифлари			
	“OKS-TECHNOLOGIES” ХК	“MILLIY BUXGALTERLAR MARKAZI” ХК	“NAPA AUTOMOTIVE” МЧЖ	“INTELEKT-SERVIS” МЧЖ
Биллинг тизимлари	нарни	нарни	нарни	нарни
	1 300 000 000	700 000 000	750 000 000	600 000 000

Комиссия раиси, ташкилотлар томонидан келиб тушган тижорат таклифлари асосида тузилган юқоридаги таккослаш жадвали бўйича комиссия аъзоларининг таклифларини сўради.

Танловда тақдим этилган тўртта тижорат таклифларида бир хил шартларидан иборат.

“INTELEKT-SERVIS” МЧЖ томонидан таклиф этилган нархлар бошқа иштирокчиларга нисбатан энг арзон таклиф берган.

Ингилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан таклифлар ҳамда маълумотларни инобатга олиб комиссия

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Биллинг тизимларини ишлаб чиқиш “INTELEKT-SERVIS” масъулияти чекланган жамияти танлов голиби деб топилсин.

2. Ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиғи Ф. Юсуповга:

Ҳолиб томонидан тақдим этиладиган шартнома лойиҳасининг талабларини техник топшириққа мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқилишини;

Биллинг тизимлари ишлаб чиқиш учун иловада кўрсатилган хизматларни техник ҳужжатга мослиги бўйича кўриб чиқилишини таъминласин.

3. Бош бухгалтер И.Мавланов “INTELEKT-SERVIS” масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузилишини ва тузилган шартнома асосида олдиндан тўлов ҳамда етказиб берилган хизмат учун қолган маблағларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.


4. Юридик бўлими шартнома талабларини қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан идоравий ҳуқуқий экспертиза ўтказилишини ҳамда эътирозлар бўлмаса унга виза қўйилишини таъминласин.

Комиссия аъзолари:


 Д. Хабибуллаев

 А. Ахроров


 Ф. Юсупов

 З. Эргашева

Комиссия котиби:

 Х. Исанкабулов





Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг
танлов комиссияси йўналишининг

7- сон

Б А Ё Н Н О М А С И

2021 йил “ 27 ” декабр

Тошкент ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

Н.Т.Назиров	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги вазир ўринбосари, танлов комиссияси раиси
Д. Хабибуллаев	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иктисодий бонқарма бўлиги ўринбосари- танлов комиссияси аъзоси
А.Ахроров	Ишлар бонқармаси бош мутахассиси бўлиги - танлов комиссияси аъзоси
Ф.Юсулов	Ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиги бўлиги - танлов комиссияси аъзоси
З.Оргашева	Ахборот хизмати бўлими етакчи мутахассиси танлов комиссияси аъзоси

ҚУН ТАРТИБИ:

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан “Қўн квартиралари уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллиги тизими” ва “Навобий вилоятда коммунал хизматлари ягона биллиги тизими яратиш ва истеъмолчиларининг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш” бўйича биллиги тизимини ишлаб чиқиш хизмати учун муҳокама учун жойлаштириш

(Хабибуллаев, Ахроров, Юсулов, Оргашева)

Қун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси - Ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиги бошлиги (Юсулов) сўзга чиқиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан “Қўн квартиралари уй-жойга хизмат кўрсатиш ташкилотларининг биллиги тизими” ва “Навобий вилоятда коммунал хизматлари ягона биллиги тизими яратиш ва истеъмолчиларининг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш” бўйича экспертиза қилиш хизмати шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг dxarid.uzex.uz сайтида 780508-сонли лот рақами берилганлиги маълум қилди. Тақдим этилган иккита корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофида таништириб чиқилди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрашиш соҳасида иктисодий бошқарма бошлиги ўринбосари - танлов комиссияси аъзоси Д.Хабибуллаев ЎРҚ-684 - сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуinning талабларига қатъий риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 7180508 - сонли лот шитирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга шлокалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, шитирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 7180508 -сонли лотда шитирок этмайпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар қуйидагича белгиланган.

1. "Oks-technologies" ХК– 1 300 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
2. "Milliy buxgalterlar markazi" ХК – 700 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
3. "Nara automotive" МЧЖ: – 750 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
4. "Intelekt-servis" МЧЖ: – 600 000 000 сўм, ҚҚСсиз.

Комиссия аъзоларининг ҳулосасига кўра "Intelekt-servis" МЧЖ корхонаси таклиф қилган нархлар энг паст деб топилди.

Комиссия қарор қилади:

1. Уй-жой коммунал хизмат кўрашиш вазирлигининг "Кўп квартирالى уй-жойга хизмат кўрашиш ташиқлотларининг биллиниг тизими" ва "Навой вилоятида коммунал хизматлари ягона биллиниг тизмини яратиш ва истеъмолчиларининг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш" бўйича биллиниг тизмини шшлаб чиқиш хизмати учун "Intelekt-servis" МЧЖ корхонаси таклифи бир овоздан маъқулансин.

2. "Intelekt-servis" МЧЖ танлов толиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

Ушбу баённома ижроси Уй-жой коммунал хизмат кўрашиш вазирлигининг бош бухгалтери И. Миланов зиммасига юклатилсин.


Танлов комиссияси аъзолари:

Д. Хабибуллаев

А. Ахроров

Ф. Юсунов

З. Эргашева



К. шитирокчиларга савис 27.12.2022.

Вақти: соғ 12:45